



EXPERIENCE OF SOME FOREIGN COUNTRIES TO PREVENT AND EXPOSE THEFT FROM HOUSING

Odilbek L. Urinov

lecturer, independent researcher, captain

*Ministry of Internal Affairs Academy of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: preventive measures, operational-search measures, operational units.

Received: 28. 06. 24

Accepted: 30. 06. 24

Published: 02. 07. 24

Abstract: The article explores the experience of the United Kingdom, Germany, Turkey, China, Ukraine, Kazakhstan, Russia, Kyrgyzstan, Tajikistan, Belarus in preventing and exposing the crime of theft from housing, and develops substantiated proposals and recommendations.

ҮЙ-ЖОЙДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎҒИРЛИКНИ ОЛДИНИ ВА ФОШ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Одилбек Л. Уринов

*ўқитувчи, мустақил тадқиқотчи, капитан
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: профилактик чоратадбирлар, тезкор-кидирув тадбирлари, тезкор бўлинмалар.

Аннотация: Мақолада үй-жойдан содир этиладиган ўғрилик жиноятини олдини олиш ва фош этишнинг Буюк Британия, Германия, Туркия, Хитой, Украина, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Тоҷикистон, Беларусь каби давлатларининг тажрибаси ўрганилиб, асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ОПЫТ ОТДЕЛЬНЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ И РАСКРЫТИЮ КРАЖ, СОВЕРШЕННЫХ ИЗ ЖИЛОГО ПОМЕЩЕНИЯ

Одилбек Л. Уринов

*преподаватель, независимый исследователь, капитан
Академия МВД Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: профилактические мероприятия, оперативно-розыскные мероприятия, оперативные подразделения.

Аннотация: В статье изучен опыт таких стран, как Великобритания, Германия, Турция, Китай, Украина, Казахстан, Россия, Кыргызстан, Таджикистан, Беларусь по предупреждению и раскрытию преступлений, связанных с кражей со взломом жилья, и разработаны обоснованные предложения и рекомендации.

КИРИШ

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш ва фош этиш фаолиятини яхшилашда хориж тажрибасини ўрганиш ҳам зарур ҳисобланади.

Уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини ва фош этишда бошқа давлатларнинг полиция (ички ишлар) органлари, давлатнинг бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, жамоатчилик тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш талаб этилади. Боиси, бугун дунёда уй-жойдан содир этиладиган ўғирлик жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий (хусусий) мол-мулкига қаратилган энг хавфли қилмишлардан бирига айланмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Буюк Британияда йилига умумий жиноятларнинг қарийб 70 фоизини (1 млн. 200 минг) мулкий турдаги жиноятларни ташкил этиб, шундан ўртacha 550-590 мингга яқини уй-жойлардан содир этиладиган ўғирлик жиноятининг улушкига тўғри келади. Ушбу жиноятларнинг фош этиш кўрсаткичи ҳар йили 15-20 фоизни ташкил этади[19]. 2022 йилда Буюк Британия дўконларидағи (*сариёғ, тишилоқ, кир ювии кукуни*) ўғирликлар сони йил давомида 18 фоизга ошган. Бунга энергетика инқизозининг кучайиши оқибатида фуқароларнинг турмуш даражасининг пасайиши, шунингдек, мамлакатда инфляциянинг ўсиши сабаб бўлган[20].

Мазкур жиноятларнинг олдини олишда бирлашган қиролликнинг хукумати томонидан жисмоний ва юридик шахслар ўз мол-мулкининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишлари (масалан, жисмоний ва юридик шахслар шахсий маблағи ҳисобидан ховлилар, қўп қаватли уйлар, корхоналар, ташкилотларнинг кириш жойини тунда ёритиш, кузатув камерасини ўрнатиш, манфаатли иш ўринлари ярмаркасини ташкил этиш, аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш ва бошқ.)[1] амалга оширилади.

Буюк Британияда тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи Лондон полицияси (Skotland-Yard); Миллий жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси; Шотландия жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг тезкор бўлинмалари томонидан

2000 йилда қабул қилингандай “Қидириув ваколатларини тартибга солиниши тұғрисида” ги Акт, шунингдек, тезкор бўлинмаларнинг фаолиятини тартибга солувчи маҳсус ҳуқуқий хужжатларга биноан уй-жойдан ўғирлик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан кузатув; *аудио ва видеоёзувларини назорат қилиши; текшириши учун харид қилиши; жиноий муҳимга тезкор киритиши; маълумотлар тўплаши* тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиб, айборнинг қилмиши иш учун аҳамиятли бўлган далилий ашёларни тўплаш орқали исботланади[14].

Германияда йилига ўртача 2,7 – 3 млн. жиноятлар қайд этилиб, шундан ўртача 2,11 млн.ни мулкий турдаги (*асосан ўғирлик ва талончилик*) жиноятларининг хиссасига тўғри келади.

Мазкур жиноятларнинг олдини олишда Германия ҳукумати томонидан жисмоний ва юридик шахслар ўз мол-мулкининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳуқуқий тарғибот, ташвиқот ишлари амалга оширилиб, тезкор-қидириув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган Германия Ички ишлар вазирлигининг Федерал жиноий полиция бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари томонидан 1987 йил 7 апрель кунидаги “Жиноят-процессуал кодекси”га биноан уй-жойдан содир этилган ўғирлик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилади.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуклари ва эркинликларини чеклайдиган тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиши лозим бўлганида ваколати суднинг санкциясини олиш, кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда тезкор-қидириув тадбирлари ўтказиш зарурати юзага келганда прокурорнинг рухсати асосида тадбир ўтказилиб, белгиланган муддат ичida суддан санкция олиниши [12] талаб этилади.

Европа мамлакатларида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини ва фош этишда маҳаллий полиция таянч пунктларида хизмат қилаётган ходимлар ва кўнгилли фуқаролар билан биргаликда тунги вақтларда муайян йўналишлар бўйича патруллик хизматини амалга ошириш; барча маъмурий худудларда тунги ёритиш чироқлари ҳамда кузатув мосламаларини етарлича миқдорда ўрнатиш; уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини ва фош этишда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида аҳоли орасида тарғибот тадбирларини, шу жумладан аҳолига мол-мулкини эҳтиёт қилиш мазмунидаги эслатма ва буклетлар тарқатиш кабиларни мисол келтириш мумкин[2; 15; 18].

Туркия Республикасида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда маҳаллаларда аксиялар уюштирилиб, аҳолига мазкур салбий иллатга самарали қарши курашиш усууллари ўргатилади.

Ушбу тадбирда иштирок этган шахслар кейинчалик ўрганган усулини оила аъзоларига тарғибот-ташвиқот қилиш орқали уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни

барвақт олди олиниб, худудларнинг барча нуқталарида ўрнатилган кузатув камераларни мониторинг қилиш асосида мазкур жиноятлар фош этилади[13].

Хитой Халқ Республикасида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органлари ва Полиция ходимлари билан ҳамкорлидка умумий ва маҳсус профилактик тадбирлар амалга оширилиб[21], мазкур жиноятни “иссиқ изи”дан фош этишда жамоат хавфсизлиги хизматлари ходимлари томонидан тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиб, асосан ҳудуддаги криминоген ва ижтимоий вазиятни доимий равишда назорат қилувчи барча кузатув камераларни мониторинг қилиш тизими асосида, шунингдек, гувоҳларнинг аниқ кўрсатмаси ҳамда ашёлар, нарсалар ва шахсга оид маълумотларнинг базасидан фойдаланиб, уй-жойдан содир этиладиган ўғирлик самарали фош этилади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган айрим давлатларнинг ҳудудида содир этиладиган уй-жойдан ўғирликнинг олдини ва фош этиш фаолияти ўрганилганда, жумладан, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь каби давлатларнинг ички ишлар (полиция), жамоат хавфсизлиги, хукуқбузарликлар профилактикаси, тезкор хизмат ходимлари томонидан биринчи навбатда умумий, маҳсус тезкор-қидириув профилактик тадбирларни; тезкор-қидириув тадбирларини самарали ташкил этиш, ўтказишга; зарур тергов харакатларини ўтказишга; тезкор-қидириув фаолиятига кўмаклашувчи шахс сифатида жалб этилган маҳфий манбалардан олинган агентура маълумотларни синчковлик билан текширишга; жамоат жойлари ва бошқа жойларда ўрнатилган юқори мегапикселли видеокузатув мосламаларнинг тезкор хотирасида мавжуд аудио видеоёзувлардан унули фойдаланишга; уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни содир этилиш вақтида шоҳид ёки гувоҳ бўлиб қолган шахсларни аниқлаш орқали уларнинг муҳим кўрсатмаларидан фойдаланишга; Ички ишлар (полиция), Жамоат хавфсизлиги тизимида фаолият кўрсатаёган бошқа хизматлардан олинган тезкор маълумотлардан фойдаланиб, мазкур жиноят ўз вақтида, “иссиқ изи”да самарали фош этилишга катта эътибор берилиши ўрганишлар жараёнида аниқланди[22; 23].

Украина Республикасида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда полиция тизимининг соҳавий хизматлари ва профилактик ишларни амалга оширувчи ваколатли бошқа субъектлар томонидан умумий ва маҳсус (комплекс дастурлар асосида), якка тартибдаги профилактик тадбирлар амалга оширилиб, мазкур жиноятни фош этишда полиция органларининг тезкор бўлинма ходимлари томонидан Украина Республикаси “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида” қонунида назарда тутилган сўров; ноқонуний хатти-харакатлар фактларини аниқлаш ва хужжатлаштириш учун мулкчилик шаклидан қатти

назар, жисмоний ва юридик шахслардан эркин муомаласи тақиқланган товарлар, предметлар ва ашёларни назорат остида ва тезкор харид қилиш; жиной хукуқбузарлик содир этган шахсларни қўлга олиш; Украина Жиноят-процессуал кодекси қоидаларига мувофиқ шахсни аудио ва видео назоратини ўтказиш, электрон алоқа тармоқлари, электрон ахборот тармоқларидан маълумотлар олиш; Украина ЖПКга биноан шахсни, нарсани, жойни кузатиш, шунингдек, жойни видеокузатиш; юридик ва жисмоний шахслардан, жиной хукуқбузарликлар, шу жумаладан жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид тўғрисида бепул ёки пуллик маълумот олиш”[10] каби тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиб мазкур жиноятлар фош этилади.

Қозогистон Республикасида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда полиция хизмати, билан миллий гвардия ходимлари, шунингдек ҳокимият органи билан ҳамкорлигида кенг қамровли комплекс равишида умумий профилактик тадбирлари, профилактика инспекторлари томонидан эса уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни содир этишга мойил бўлган шахслар билан якка тартибда[7] профилактик чора-тадбирлар амалга оширилиб, тезкор қизиқиши уйғотувчи шахс билан Қозогистон Республикаси “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонунига биноан умумий *тезкор-қидириув тадбирлари*: шахсни сўров қилиш; тезкор-қидириув фаолиятида фойдаланишда фуқаролар билан ошкора ва ноошкора муносабат ўрнатиш; киритиш; жиноят фаолиятга таклид қилувчи хулқ-атвор моделини қўллаш; телефон сухбатини текшириш; маълумотлар тўплаш; намуна олиш; тезкор харид; қидириув итларидан фойдаланиш; шахснинг белгилари бўйича излаш ва шахсини аниқлаш; ахборот тўпловчи ноқонуний курилмани излаш; хукуққа хилоф ҳаракат изини ноошкора олиш, қайд этиш, уларни дастлабки ўрганиш; жиноятга тайёрланаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсни таъқиб қилиш ва уни ҳибсга олиш; гувоҳлар иштироқида ҳибсга олинган шахсни шахсий тинтуб қилиш ва улардан жиноий фаолият билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек туараржой бинолари, иш жойлари, бошқа жойларни, транспорт воситаларини текшириш; қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш бўйича операцияларни ўтказиш; кузатиш; *маҳсус тезкор-қидириув тадбирлари*: ноошкора шахсни ёки жойни аудио ёки видео назорат қилиш; ноошкора усулда электр (телекоммуникация) алоқа тармоқлари орқали узатиладиган маълумотларни ушлаб қолиш ва назорат қилиш; абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасида боғланишлар ҳақида ахборот олиш; ноошкора жойларга кириш ёки қўздан кечириш[6] каби тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилади.

Россия Федерациясида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органлари ва Полиция ходимлари билан ҳамкорлидка умумий, маҳсус якка[17] тартибдаги профилактик чора-

тадбирлар амалга оширилиб, ушбу жиноятни самарали фош этишда “Тезкор-қидирав фаолияти тұғрисида”ги қонунига биноан сұров, маълумотлар түплаш; қиёсий текширув учун намуналар олиш; текширув учун харид қилиш қилиш; предмет ва хужжатлар үрганиш; қузатиш; шахснинг айнанлигини аниклаш; бинолар, иншоотлар, жойнинг участкалари ва транспорт воситасини текшириш; почта жүнатмалари, телеграф хабарларини назорат қилиш; телефон сўзлашувларини эшлиши; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш, тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш, тезкор эксперимент, компьютеръ маълумотини олиш[16] каби тезкор-қидирав тадбирлари амалга оширилади.

Қирғизистон Республикасида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда Полиция органлари билан ҳокимият идораларининг ҳамкорлигига умумий профилактик тадбирлар, полиция тизимидағи хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматини профилактика инспекторлари томонидан якка тартибда[11] профилактик чоратадбирлар амалга оширилиб, уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни “иссиқ изи”да фош этиш борасида полиция тизимидағи тезкор бўлинмалар ходими томонидан тезкор-қизиқиш уйғотовучи шахсларга нисбатан “Тезкор фаолияти тұғрисида”ги қонунда назарда тутилган фуқароларни сұров қилиш; маълумотлар түплаш; қиёсий текширув учун намуналар олиш; текширув учун харид қилиш; предмет ва хужжатларни текшириш; шахснинг айнанлигини аниклаш; бинолар, иншоотлар, жойнинг участкалари ва транспорт воситаларини текшириш; телефон ва бошқа алоқа қурилмалари орқали ўтказилган сўзлашувларини эшлиши ва ёзиб олиш; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш; тезкор киритиш; тезкор кузатув; тезкор эксперимент; тезкор аниклов; техник воситаларни қўллаб шахсий ҳаёт дахлсизлигига, уй-жой, шахсий ва оиласиб сирларнинг дахлсизлигига таъсир қилмайдиган маълумотларни, шунингдек шахсий депозитлар ва жамғармалар, ёзишмалар, телефон сухбатлари, почта, телеграф хабарларини олиш; ахборот олувчи ноқонуний техник воситаларни излаш; алоқа каналлари ва тармоқларида тезкор излов; ноошкора сўзлашувларини эшлиши ва ёзиб олиш (аудио, видео қурилмалари ва маҳсус техник воситасидан фойдаланган ҳолда); абонентлар ва (ёки) абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тұғрисида маълумот олиш”[8] тезкор-қидирав тадбирлари вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Тожикистон Республикасида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда Полиция тизимининг соҳавий хизматлари томонидан умумий, якка ва маҳсус[9] профилактик тадбирлар амалга оширилиб, мазкур жиноятни “иссиқ изи”да фош этишда Полиция органларининг тезкор бўлинмалари томонидан “Тезкор-қидирав фаолияти тұғрисида”ги қонунда белгиланган тезкор сұров; маълумотлар түплаш; қиёсий тадқиқотлар учун намуналарни тезкор йиғиши; шахсий изқуварлик; текшириш учун тезкор харид қилиш;

предметларни, хужжатларни ва объектларни тезкор ўрганиш; тезкор кузатув; шахснинг ёки объектнинг айнанлигини тезкор аниқлаш; уй-жой, бинолар, иншоотлар, ер майдони ва транспорт воситаларини тезкор текшириш; телефон сўзлашувларини эшитиш ва ёзиб олиш; алоқанинг техник каналидан ахборот олиш; тезкор киритиш; тезкор эксперимент[3] каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Беларусь Республикасида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишда олишда полиция тизимининг соҳавий хизматлари ва профилактик ишларни амалга оширувчи ваколатли бошқа субъектлар томонидан умумий ва маҳсус (комплекс дастурлар асосида), якка тартибдаги [4] профилактик тадбирлар амалга оширилиб, мазкур жиноятни фош этишда полиция органларининг тезкор бўлинма ходимлари томонидан тезкор-қизиқиши уйғотувчи шахсларга нисбатан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга биноан тезкор сўров; маълумотлар тўплаш; намуналар йиғиш; компьютер маълумотлари, предмет ва хужжатларни текшириш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; тезкор қўздан кечириш; кузатув; текшириш учун харид қилиш; овоз назорати; телекоммуникация тармоғида назорат; тезкор киритиш; тезкор эксперимент”[5] каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш ва фош этишнинг айрим чет эл давлатлар тажриба таҳлили асосида қўйидагиларни:

биринчидан, Евropa ва МДҲ давлатларида уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш мақсадида умумий, якка, маҳсус профилактик ҳамда бошқа таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилишини;

иккинчидан, уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишнинг олдини олишда давлат органлари ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган маҳсус дастурлар асосида чора-тадбирлар белгиланишини;

учинчидан, уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни фош этишда тезкор сўров; тезкор маълумот олиш; қиёсий тадқиқотлар учун намуналар тўплаш; нарса ва хужатларни тезкор қўздан кечириш; ички ва ташқи кузатув; шахсни аниқлаш; бинолар, иншоотлар, ерлар, транспорт воситаларини текшириш; телефон сўзлашувларини назорат қилиш; тезкор киритиш; тезкор эксперимент каби тезкор-қидирув тадбирларини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

тўртинчидан, худуддаги криминоген ва ижтимоий вазиятни доимий равища назорат қилувчи барча кузатув камераларни мониторинг қилиш тизими асосида мазкур жиноятлар “иссиқ изида” фош этилиши мумкин.

Уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш ва фош этишнинг илғор хорижий тажриба таҳлили асосида қўйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, мазкур жиноятларга самарали қарши курашда республика миқёсида “Хавфсиз ховли”, “Хавфсиз хонадон”, “Хавфсиз ташкилот” деб номланган уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олишга хизмат қилувчи умумий, якка, маҳсус ва виктимологик профилактик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш. Ушбу тадбирни ўтказишида бюджет ва бошқа мағлағлар ҳисобидан ховлилар, кўп қаватли уйларнинг кириш эшиклари, корхона, муассаса ва ташкилот биноларининг хавфсизлигини таъминлаш (чироқлар ўрнатиши, кузатув камераларини ўрнатиши, кириш эшиклари учун кодлар ва домофонлар ўрнатиши, ховли деворини мустаҳкамлаши ва бошқ.) чораларини кўриш лозим;

иккинчидан, уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни кескин камайтириш, мазкур жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш борасида аҳоли орасида таъсирchan тарғибот ва ташвиқот ишларини тизимли равища ташкил этиш ва ўтказиш;

учинчидан, уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш ва фош этишда тезкор ходимлар томонидан сўров; маълумотлар тўплаш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, транспорт воситаларини текшириш; тезкор кузатув; тезкор киритиш; тезкор эксперимент; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшлиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш; абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш каби тезкор-қидирув тадбирларини самарали ташкил этиш ва ўтказиш лозим;

тўртинчидан, уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш ва фош этишда бюджет ва бошқа маблағлар, ҳомийлик ҳисобидан ҳар бир маҳалла кесимида маъмурий худудга ўрнатилган кузатув камерасини маҳалла хуқуқ тартибот масканида ташкил этилган 24/7 муддатда хизмат кўрсатувчи тезкор оператор бошқарув хонасига интеграциялаш, хонадонлар ва ташкилотларни тизимли равища Миллий Гвардияга қўриқлашга топшириш тавсия этилади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни олдини олиш ва фош этишнинг хориж тажрибаси ва иш услубини қўллаш, уй-жойдан содир этиладиган ўғирликни камайишига хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Важенина И.В. Некоторые аспекты правоохранительных органов Великобритании в организации международного полицейского сотрудничества // Академическая мысль. 2019. № 2 (7). С. 68–71.
2. Васильев Д.В. Концепции организации деятельности полиции и возможности их

пользования в отечественной практике (По материалам США и некоторых стран западной Европы): Дис. ... канд. юрид. наук (12.00.11). – М., 2005. – С.74-75.

3. Закон Российской Республики Таджикистан от 25 марта 2011 года № 687 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.http://ncz.tj/content> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.03.2024).

4. Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З «Об основах деятельности по профилактике правонарушений» // <https://www.pravo.by>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 28.02.2024).

5. Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 года №307-З «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://base.spinform.ru/> (мурожаат вақти: 29.03.2024).

6. Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. № 13 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <https://online.zakon.kz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 01.03..2024).

7. Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 «О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике» // Электрон манба: www.cbd.Minjust.gov.kg. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 02.03.2024).

8. Закон Кыргызской Республики от 16 октября 1998 года № 131 «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://cbd.minjust.gov.kg/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 03.03.2024).

9. Закон Республики Таджикистан от 2 января 2020 г. №1658 «О системе предупреждения и профилактики правонарушений несовершеннолетних» // Электрон манба: <http://continent-online.com>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.03.2024).

10. Закон Республики Украины от 18 февраля 1992 г. № 2135-XII «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://online.zakon.kz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 19.03.2024).

11. Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 «О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике» // Электрон манба: www.cbd.Minjust.gov.kg. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.03.2024).

12. Маркушин А.Г., Морозов О.Л. Совершенствование правового регулирования совместной оперативно-розыскной и уголовно-процессуальной деятельности полиции – залог повышения эффективности раскрытия и расследования преступлений (история и современность) // Юридическая наука и практика. 2019. № 2 (46). С. 110–117.

13. Матлюбов Б.А., Мухамедов Ў.Х. Полиция учун кадрлар тайёрлаш: Туркия тажрибаси ва INTERPA фаолияти: Ўкув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси, 2018. – 62 б.

14. N.A. Nigmatov, G.V. Bushin, A.I. Kurtyak specificities of operational and investigative activity performed by officials and operational Units of states abroad by the case of UK and Germany / DOI 10.26163/GIEF.2021.72.46.014 УДК 34(075.8) // Журнал правовых и экономических исследований. Journal of Legal and Economic Studies, 2021, 1: 77 – 82.

15. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т.: Издательство “Fan yet texnologiya”, 2010. – 452 с.

16. Федеральный закон Российской Федерации от 12 августа 1995 года № 144-ФЗ «Об оперативно-розыскной деятельности» // Электрон манба: <http://www.Consultant.ru>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 23.03.2024).

17. Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 г. №182-ФЗ «Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации» // Электрон манба: <https://mvd.ru/document>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 22.03.2024).

18. Хамдамов А.А. Особенности информационно-поисковой системы полиции зарубежных стран в борьбе преступностью // Жиноятчиликка қарши курашда тезкор аппаратлар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Илмий мақолалар тўплами/ Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори А.А. Хамдамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б.3-15.

19. The Guardian (Великобритания): изнанка преступного мира Великобритании XXI века// Россия сегодня. ИноСМИ: [сайт]. URL: <https://inosmi.ru/social/> 20190711/245449259.html (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.02.2024).

20. [Https://Aniq.Uz/Yangiliklar/Buyuk-Britaniya-Dukonlaridagi-Ugirliklar-Soni-18Foizga Oshdi](https://Aniq.Uz/Yangiliklar/Buyuk-Britaniya-Dukonlaridagi-Ugirliklar-Soni-18Foizga-Oshdi) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 18.02.2024)

21. <https://www.golosameriki.com/a/cn-china-us-travel-warnings/4945275.html>(Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.03.2024)

22.<https://www.bbc.com/news/world-asia-37218033>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.03.2024).

23.<https://www.saps.gov.za/crimestop/missing/list.php/> (мурожаат вақти: 18.03.2024).